Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 160 (3661)
17 ДУШАНБА ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

◆ ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

ТЕЗ ВА СОЗ

Йўлдош Охунбобоев номли майдонда пойтахтимизнинг ноёб иншоотларидан бири — 20 қаватли «Москва» меҳмонхонаси қурилишида бинокорлик ишлари тезкорлик билан бажарилмоқда. Тошкент шаҳри қурилиш бош бошқармасита қарашли 11-«Висотстрой» қурилиш трести 75-қурилиш бошқармасининг А. Жўраев ва А. Князев раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари иш вақтидан унумли фойдаланишиб, кундалик нормаларини 110—115 процентдан адо этишяпти.

— Участкамиз бинокорлари Тошкент ҳуснига кўрк қўшиб турган давлат цирки, Матлуботчилар уйи сингари архитектура иншоотларини қуришда катта тажриба тўплашган, — дейди ВЛКСМ XVIII съезднинг делегати, бригада етакчиси А. Князев.— Шунинг учун меҳмонхона қурилишида тез ва сифатли ишлашга муваффақ бўляпмиз.

Объектда меҳнат қилаётган бинокорлар меҳмонхона қурилишини 1980 йилнинг охирига қадар битказиб, фойдаланишга топшириш иштиёқида социалистик мусобақани кун сайин авж олдиришмоқда.

УЮШҚОҚЛИК САМАРАСИ

Майков кўчасида Тошкент трамвай-тролейбус бошқармасига қарашли ўқув комбинати қурилмоқда. Унда бир йўла 720 нафар ёш трамвай ва тролейбус ҳайдашни ўрганади. Объектда 3-қурилиш трести 15-қурилиш бошқармасининг А. Тешабоев прорабligидаги участка қурувчилари уюшқоқлик билан меҳнат қилишмоқда.

БУГУН

объектда умумий қурилиш-монтаж ишлари тугалланди.

Шу кунларда пардозлаш, санитария техникаси жиҳозларини ўрнатиш ишлари ҳам жадаллик билан бажариляпти.

Ўқув комбинати янги ўқув йилига қадар битказилади.

КЎЧМА УСТАХОНА

Слесарлик асбоб-ускуналари билан таъминланган махсус машина-автолетучка Мирзачўлга жўнаб кетди. Тошкент экскаватор заводининг коллективи уни йўлга ҳозирлади. Корхонанинг зарбдор бригадаси отаligидаги Сирдарё область Ильич районининг Гагарин номли совхози коллективига пахта терим техникасини мавсумга тайёрлашда бир ой мобайнида шу устахонаси билан ёрдам беради.



Ираида Евгеньевна Шилова «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмасида 20 йилдан бери меҳнат қилади. У бу даврда тўқувчилик касби сирларини пухта ўрганиб олди. Ираида Шилова ҳозир нормалагидан юқори зичликда ишлаб, смена топшириқларини мунтазам 120—130 процент адо этяпти.

СУРАТДА: илғор тўқувчи Ираида Шилова.

БУЮРТМА — ЎЗ ВАҚТИДА

Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилаётган «2-ПТС — 4-793» маркали пахтани қоп-қаноpсиз ташийдиган прицепларга фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги бир қанча пахтачилик мамлакатларининг эҳтиёжи ҳам ошиб бораяпти. Буни тўғри ҳис этган прицепсозлар социалистик мусобақа асосида баракали меҳнат қилишиб, плandан ташқари кўплаб прицеп ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишяпти. Н. Хайруддинов етакчилик қилаётган 1-цех коллективи ўтган ойда 3680 ўрнига 3705 та прицеп тайёрлаб берди.

Айниқса, цехдаги А. Буличев бошчилик қилаётган экспорт участкаси коллективи цех ютуғига салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Бу участка азаматлари Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларининг буюртмаларини ўз вақтида етказиб беришни таъминлаяпти. Улар ўтган ярим йил давомида Эфиопияга 250 дан ортиқ, Бангладешга 200 дан зиёд, Кубага 150 дан ортиқ прицеп жўнатишди. Шунингдек, улар Вьетнам Социалистик Республикаси, Ангола. Жазоир ва бошқа мамлакатларга ҳам 180 дан ортиқ автопоездлар юборишди.

И. ҚУЗИЕВ.

Янги цех ишга тушди

«Узхладторгмонтаж» трестининг шаҳримиздаги тажриба-ремонт механика заводида холодильник ва савдо-технологии ускуналарини фойдаланишда ишлатиладиган электр двигателларнинг ремонти бўйича янги цех қурилиб ишга туширилди.

Реконструкциядан кейин бутунлай янгиланган ишлаб чиқариш воситалари ва майдонлари бу ерда ремонт ишларини янада тезлаштириш имконини бермоқда. Янги цехда қўплаб синовчи автоматлаштирилган стендларнинг комплекслари, махсус мосламалар ўрнатилган.

Ана шу корхонада музлатиш агрегатларининг ремонти бўйича яна бир бошқа цех ҳам яқин вақтлар ичида фойдаланишга топширилади.

Корхонани техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари ишлаб чиқариш ҳажмига халал бермаган ҳолда олиб борилмоқда. Бу ерда барча ремонт ишлари ниҳоясига етгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 25 процент кўпаяди.



«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси учинчи босмахонасининг зарбдор печатниги Света Ермакова шахсий ўнинчи беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган. У ҳозир мана шу аҳдига яраша меҳнат қилиб, смена топшириқларини мунтазам 130—140 процент адо этиб, ҳамма маҳсулотнинг аъло сифатда бўлишини таъминлаяпти.

СУРАТДА: илғор матбаачи Света Ермакова.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕМОНТ МУДДАТИ ҚИСҚАРДИ

Республика автомобиль транспорти министрлигига қарашли шахримиздаги 3-таксомотор паркининг рационализаторлари муносиб ихтирони амалга оширдилар. Бу ерда «ГАЗ—24» маркали автомобилларнинг двигателларини қайноқ обкатkадан чиқариш учун мўлжалланган махсус стенд ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бу янгиликнинг амалга оширилиши натижасида двигателларнинг деталларини ремонтдан чиқариш муддати анча қисқарди, эндиликда двигателларни автомобилларга ўрнатмасдан туриб, унинг камчиликларини дарҳол аниқлаш усуллари топилди. Натижада автомобилнинг ремонтда туриб қолиш муддати ва оғир меҳнат жараёнлари кескин қисқарди.

Янги стендниг жорий қилиниши натижасида йилда 24.5 минг сўмдан зиёд иқтисодий фойда олиш мумкин.

1980 ЙИЛ ҲИСОБИДАН

Жиззах областидаги «Зомин» совхозининг комбайнчиси Т. Бобоёров уч мавсум топширигини бажарди. У ўз машинасидан серунум фойдаланиб 400 тоннадан ошиқ дон янчди.

Хўжаликнинг бошқа механизаторлари ҳам техникадан серунум фойдаланяптилар. Бу йил шу ердаги ўрим-йиғим ишлари ипатоволиклар методи бўйича ташкил қилинди. 4 та ўрим-йиғим транспорт отряди составига кирган 55 комбайн зўр бериб ишламоқда. Хўжаликда ҳар гектар лалмикор ердан 15 центнердан дон олишяпти. Совхоз галлакорлари беш йиллик бошланганидан бери давлатга 17 минг тонна дон топширдилар. Ҳозир бу ерда 1980 йил ҳисобидан дон топширяпти.

(ЎзТАГ).

• *Шаҳар — қишлоққа*

Шартномага биноан

Агрегат заводи коллективи олти ойлик планга қўшимча тракторлар учун 596,9 минг сўмлик ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун эса 252.7 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариб, қабул қилган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари муваффақиятли адо этди.

Корхона меҳнатчилари фақат машинасозлик корхоналари учун эҳтиёт қисмлар, деталлар, узеллар ишлаб чиқарибгина қолмасдан, балки бевосита оталиқдаги хўжаликка ҳам зарур қисмларни етказиб бермоқда. Агрегатчилар «Оқ олтин» районидаги Ворошилов номли совхозни оталиққа олишган. Иккала коллективнинг йил бошида тузган шартномасига биноан тошкентлик машинасозлар ўтган ярим йилликда чўлқуварларга тракторнинг икки ғилдиракли олдинги кўпригидан 7.320 сўмлик, орқа кўпригидан эса 5.100 сўмлик етказиб бердилар. Бундан ташқари, совхоз механизаторларига 833 сўмлик асбоб-ускуна, 695 сўмлик деталлар, 73 сўмлик электродлар ва бошқа зарур эҳтиёт қисмлар ҳам жўнатилди. Завод ишчилари совхозда дағал хашак йиғишда ҳам актив иштирок этишиб, жами 300 тонна қишки озуқа тайёрлаб беришди.

Қабул қилинган шартнома бандларидан бирида 15 кишига слесарь, токарь, газ электр пайвандчиси каби касбларни ўргатиш ҳам кўзда тутилган эди. Завод маъмурияти чўлқувар ёшларни бу касбларга ўргатиш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйди. Махсус ажратилган завод мураббийлари чўлқувар ёшларга ана шу касбларни ўргатишади.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИГА

Тошкент лак-бўёқ заводининг коллективи қишлоққа ёрдам кўрсатиш юзасидан зиммасига олган социалистик мажбуриятидаги моддалардан бирини бажарди. Химиклар иш вақтидан рационал фойдаланиб, техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, программага қўшимча анча маҳсулот тайёрладилар. Шунинг бир қисми — 4 тонна олиф мойи билан 1.5 тонна эмаль оталиқдаги хўжалик— Сирдарё областининг Титов номли совхозига жўнатилди. Бу материаллар совхоз мактабларидала шийпончаларини ремонт қилишда ва бўяшда ишлатилади.

ОТАЛИҚ БУРЧИ БИЛАН

«Подъёмник» заводининг коллективи оталигидаги колхозга яхши совға қилди. Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз механизаторлари қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш учун зарур запас қисм ва материаллар олдилар.

Корхона ишчиларининг деҳқонларга ёрдами ҳар хил деталлар бериш билангина чекланиб қолмаяпти. Завод бригадалари колхозда теплица, устахона ва бошқа зарур объектларни қуришда қатнашдилар. Колхоз ҳам қарздор бўлиб қолмаётир: «Подъёмник» ишчиларининг болалари қордиқ чиқараётган пионер лагерлари бу йил ҳам колхозда ҳўл мева ва сабзавот олиб турибди.

• *Мусобақа кундалиги*

КАМ ИШЧИ КУЧИ САРФЛАБ

Қадамбой Саидовнинг комплекс бригадаси Туямўйин гидроузели қурувчилари орасида биринчи бўлиб планни барвақт бажарди. Свердловсклик бинокорлардан ўрнак олган бригада январь ойидан бошлаб одамларни камайтириб, бўшаган икки ишчи бошқа участкаларга ўтказилди. Ҳар бир мутахассис 4 — 5 касбни ўрганиб олганлиги, ишларнинг тармоқ поток графиги жорий этилиши мана шунга, шунингдек рекорд маҳсулот чиқаришга ёрдам берди.

Илғор бригада декабрь охиригача яна бир йиллик топшириқни бажаришни мўлжаллаб қўйди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

⊙ СОФИЯ. Бу ерда Чили халқининг кураши билан бирдамликка бағишланган халқаро плакат виставкаси очилди. Виставкада Болгария, ГДР, Греция, Куба, Совет Иттифоқи, Чили, Франция ва бошқа мамлакатлардан келтирилган 70 дан кўпроқ плакат намойиш қилинмоқда. Буларда плакат санъати, графика ва фотомонтаж воситалари билан планетадаги барча тараққийпарвар кишиларнинг ҳарбий фашист хунтасига қарши Чили халқи олиб бораётган кураш билан бирдамлиги ғояси ифода этилган. Экспозицияга қўйилган бир қанча асарлар Чилининг улуғ фарзанди С. Альендега бағишланган.

⊙ МЕХИКО. Уз сафларида қарийб 6 миллион кишини бирлаштирган Мексикадаги энг катта касаба союз бирлашмаси— Меҳнат конгрессининг биринчи миллий ассамблеяси ўз ишини тугаллади. Ассамблея қатнашчилари мамлакат меҳнаткашларининг энг муҳим проблемаларини ҳамда ишчилар синфининг ўз ҳуқуқлари учун курашни ночайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ассамблея «принциплар декларацияси»ни ва меҳнат конгрессининг янги уставини қабул қилди. Ассамблея иқтисодий сиёсат соҳасида саноатнинг бир қанча асосий тармоқларининг национализация қилиниши, шини, қишлоқ районларида давлат қишлоқ хўжалик корхоналари барпо этилишини талаб қилди.

⊙ БАЙРУТ. Кейинги кунларда вазият бирмунча стабиллашганига қарамай, Ливан пойтахтининг шарқий секторида аҳвол ҳамон нотинч. Кеча кун бўйи шаҳарнинг Айн Арруман Ашрафия ва бошқа кварталларида ўқтин-ўқтин отишмалар бўлиб турди. Баъзи районларда портлаш овозлари эшитилиб турди.

Бу ерда ҳукуматнинг Ливан президенти И. Саркис раислиги остида ўтказилган мажлисида мамлакатдаги мураккаб ички сиёсий аҳволни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

КЕКСА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ТАРИХНОМАСИ

Совет Армияси генералларидан 150 дан ортиқ киши ўз таржимаи ҳолларида кайси ўқув юртида билим олганиз, деган саволга Қизил Байроқ орденли, Қизил Юлдуз орденли, В. И. Ленин номли Олий умумқўшин командирлари Тошкент мактабида, деб бир хил жавоб қайтардилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан 44 киши шу билим юртида тарбия топди.

«Узбекистон» нашриёти ташкил топганидан буён 60 йил мобайнида билим юрти босиб ўтган шонли йўлни ёритувчи китоб чиқардики, бунда ана шу маълумотлар келтирилган.

Китобни авторларнинг катта коллективи тайёрлади. Бу китоб офицер кадрлар тайёрлайдиган кекса маскани нинг ҳаётига тааллуқли айрим даврлар, Коммунистик партия ва совет давлатининг М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев сингари атоқли арбобларининг билим юртини ташкил этиш соҳасида ишлари тўғрисида муфассал ҳикоя қилади. Солноманинг катта бўлими Улуғ Ватан уруши йилларини қамраб олган. Билим юртининг 170 шогирди 1941 йилда тилларда достон бўлган панфилов дивизияси сафларига қўшилди. Бу дивизия тузилиши билан у Москвага жўнатилиб, ватан пойтахтини гитлерчи фашистлардан ҳимоя қилди.

Китоб авторлари ўқувчиларни билим юртининг бугунги ҳаёти билан таништиради. Билим юрти ўзининг ажойиб анъаналарини ҳамиша кўпайтириб, юқори малакали ҳарбий мутахассислар, ҳарбий таълим-тарбиянинг замонавий вазифаларини ҳал этишга қодир техникани жуда яхши биладиган ҳарбий мутахассислар тайёрламоқда.



Гўзал Тошкент йил сайин қомат кериб, гўзаллашиб боряпти. Унда бири биридан чиройли кўп қаватли бинолар қад кўтаряпти.

СУРАТДА: Пушкин ва Новомосковский кўчалари муюлишида яқинда фойдаланишга топширилган янги турар жой биносини кўриб турибсиз.

СЕВАН КЎЛИ ЧОРЛАЙДИ

Қардош Арманистон республикасида Севан кўли бор. У ўзининг географик жиҳатидан жойлашуви, табиатининг гўзаллиги ва бойлиги билан ҳар қандай дам олувчи кишининг диққатини жалб этади.

Шаҳримиз уй-жой бошқармасига қарашли иккинчи ремонт қурилиш бошқармасининг илғор ишчиларидан бир группаси ана шу кўл қиргоғида дам олиш шарафига муяссар бўлдилар.

Бошқарманинг ишчилардан иборат махсус туристик группа қардош Арманистон бўйлаб ўзининг уч кунлик саёҳатини завқли ўтказмоқда. Ҳамшаҳарларимиз қардош ўлканинг тарихий ва архитектура ёдгорликлари, Ереван шаҳридаги музейлар ва кўргазма заллари билан қизиқиб таништяптилар. Улар ўзларининг саёҳатини Севан кўли қиргоғида дам олиш билан якунлайдилар.

Ана шундай туристик саёҳатларни ташкил этаётган саёҳат ва экскурсия бюроси коллективи меҳнаткашларнинг ёзги меҳнат отпускасидан унумли фойдаланиб қизғин ишламоқда. Ҳозирги пайтда минглаб ҳамшаҳарларимиз поездлар, самолётлар, пароходлар билан мамлакатимизнинг қирққа яқин йирик шаҳарлари бўйлаб сафар қилишяпти. Айниқса Москва, Ленинград, Болтиқ бўйи, Украина республикаларига туристлар оқими кўплаб боряпти.

ПРАВДА саҳифаларида

● **Газетанинг бугунги сонида «Қардошларча ҳамкорлик йўлидан» деб номланган бош мақола эълон қилинган.**

● КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан 15 июлда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти Г. Гусак дам олиш учун Совет Иттифоқига келди.

● **СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Афғонистон Демократик Республикаси бош министри, Революцион Кенгаш раиси Нурмуҳаммад Тараки номига телеграмма жўнатди. Телеграммада Афғонистоннинг қатор районларида рўй берган табиий офат натижасида зарар кўрган ва қурбон бўлганларнинг онларига чуқур ҳамдардлик билдирилади.**

★ ФУТБОЛ

НАВБАТДАГИ ТУРДА

Футбол бўйича олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди. Бу сафар Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Ереваннинг «Арарат» футбол командаси меҳмони бўлди. Қизиқарли вазиятда бўлган бу учрашув 1:0 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди.

Шу турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади.

«Қайрат»— «Нефтчи»—0:0, «Динамо» (Москва)— «Спартак»—0:0, «Динамо» (Киев)— «Заря» — 4:1, «Динамо» (Тбилиси) «Днепр»—1:0, «Шахтер»— «Черноморец»—3:1.

Халқаро мавзуда суҳбат

ПЕКИННИНГ ВЬЕТНАМГА ҚАРШИ ОЛИБ БОРАЁТГАН КАМПАНИЯДАН МАҚСАДИ НИМА?

Хитой раҳбарлари бундан бир неча йил муқаддам америкалик агрессорларга ва уларнинг қўғирчоқларига қарши қўлга қурол олиб қаҳрамонларча курашаётган Вьетнам халқи билан «мустаҳкам дўст» эканликлари ва «қардошларча бирдамликлари» ҳақида қасамёд қилган эдилар. Агрессорлар ва уларнинг сайгонлик лаганбардорлари мамлакат чегарасидан ҳайдаб чиқарилди. Вьетнам халқи шимол бинан жанубни бирлаштиргандан кейин ягона давлат доирасида социализм қуришга киришди. Мана шундан кейин Пекиннинг вьетнамлик «биродарлари»га мунобати тамомила ўзгарди. «Дўстмиз» ва «содиқмиз» деб берилган ваъдалар ўрнига Вьетнам шаънига туҳмат — бўҳтон тошлари ёғдирилди, уни тамомила асоссиз равишда «Хитойга қарши ҳаракатлар қилишда» айблай бошлади.

Муносабатларни шу даражага тамомила ўзгартирилганлигининг боиси нимада? Пекиннинг Вьетнамга қарши олиб бораётган снёсатидан мақсади нима?

Вьетнамда ва Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларда озодлик уруши давом этаётган пайтларда маочи раҳбарлар уруш тамом бўлгандан кейин Ҳинди-Хитой ярим оролидаги зайифлашган давлатлар Пекин таъсирига тушиб қолади ва унинг Жанубий-Шарқий Осиёни босиб олиши учун плацдарми бўлиб қолади, деб мўлжаллаган эдилар. Кампучия худди шундай бўлди. Кампучия раҳбарлари Пекин сиёсатини итоатгўйлик билан ўтказа бошладилар. Вьетнам билан Лаос эса Хитой раҳбарларининг буюк давлатчилик режаларини амалга оширишда шундай роль ўйнашдан қатъиян бош тортдилар. Шунинг учун ҳам улар Хитойга ёқмай қолди.

Мана шундан кейин Пекин Социалистик Вьетнамни заифлаштиришга, унинг халқаро майдондаги мавқеига путур етказишга уриниб, атайин у билан муносабатларни кескинлаштириш йўлига ўтди. Пекиннинг ўзи атайлаб вужудга келтирган Хуақяо — чет элларда, шу жумладан Вьетнамда яшовчи хитой миллатига мансуб шахслар тўғрисидаги масаладан ўз мақсади йўлида бир баҳона сифатида фойдалана бошлади. Бу «кишилар «қувғин» ва «таъқиб» қилинмоқда, деб жар солди.

Ҳақиқатда эса Вьетнамда яшовчи хитойлар вьетнамлик бир қатарда социалистик давлат фуқаросининг барча қуқуқларидан фойдаланмоқдалар. Пекин эса, Вьетнамнинг жанубида социалистик ўзгартишларни ёқтирмай Хитой аҳолиси ўртасида миллатчилик вассасаларини қучайтиришга, уларни маъмурларга қарши гиж-гижлатишга ҳаракат қилаётган хитой миллатига мансуб капиталистлар ва савдогарларни ёқлаб чиқмоқда.

Маочилар Хуацяони «ҳимоя қилиш» ниқоби остида Вьетнам Социалистик Республикасига қарши чинакам психологик урушни бошлаб юбордилар.

Шундан кейин улар Вьетнамга илғари тузилган шартномаларга мувофиқ берилаётган барча иқтисодий ва техникавий ёрдамни тамомила тўхтатиб қўйишга, бу ерда ишлаётган хитой мутахассисларини чақириб олишга қарор қилдилар.

Лекин Хитой раҳбарларининг ВСРга путур етказиш, тазйиқ ва шантаж йўли билан уни ҳозирги йўлидан четга буриб юбориш йўлидаги барча уринишлари албатта барбод бўлади. Социалистик Вьетнамнинг қийин пайтларда унга ёрдам беришга тайёр турган ишончли дўстлари ва иттифоқчилари бор. Социалистик камдўстлик ташкилоти — Узаро Иқтисодий Ердам Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган XXXII сессиясида Вьетнамнинг шу ташкилотга яқдиллик билан қабул қилинганлиги буни исбот қилмайдими, ахир? Вьетнам билан бирдамлик тўғрисида берилган жуда кўп баёнотлар шундан далолат бермайдими?

ВСР ташкил топганлигининг икки йиллиги муносабати билан Совет раҳбарларининг ВСР раҳбарларига йўллаган телеграммасида айтиб ўтилганидек, «Совет Иттифоқи Вьетнамни қўллаб-қувватлаб келди ва бундан кейин ҳам ҳамиша қўллаб-қувватлайверади». Совет Иттифоқи қаҳрамон Вьетнам халқини Америке империализми агрессиясига қарши кураш йилларида қандай қўллаб-қувватлаган бўлса, социалистик жамият қуриш даврида ҳам уни шундай қўллаб-қувватлайверади. Вьетнам халқининг содиқ дўстлари бор!

З. СЕРОВ.

(ТАСС).

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

● МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ҳамза ва Куйбишев районлари мусобақаси

ПЛАН ИНТИЗОМИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Беш йилликнинг учинчи йили биринчи ярми натижалари Ҳамза ва Куйбишев районлари меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақа бўйича тузилган шартнома олдинга қўйилган халқ хўжалиги вазифаларини бажариш учун курашда самарали восита бўлганлигини кўрсатяпти. Меҳнат беллашувининг юксак таъсирчанлиги ҳақида саноат, транспорт ва алоқа корхоналарининг шу йилнинг январь-июнь ойларидаги иш натижалари гувоҳлик бериб турибди.

Мана, бир неча асосий рақамлар. Ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда районларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 46 миллион сўмликка ўсди ва бу ўсишнинг анчагина қисмига меҳнат унумдорлигини юксалтириш орқали эришилди.

Йилнинг биринчи ярмида планга қўшимча 18 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ёки қабул қилинган мажбуриятлардагидан 2 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди.

Бу охирги натижада фақатгина меҳнат самарадорлигини ошириш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш учун қураш натижаларигина эмас, шунингдек хўжалик фаолиятининг қонуни бўлган план интизомига риоя қилиш, белгиланган ҳажмда ва номенклатурада буюмлар ишлаб чиқариш учун зарур тадбирлар белгиланганлиги ҳам ўз натижасини кўрсатди.

Ахир мамлакат халқ хўжалиги йилнинг иккинчи ярми ҳисобига қўшимча 200 километр сигнал-блокировка ва шланг кабеллари, 15 та трактор, 300 газ плитаси, 105 тонна қоғоз, 130 тонна техника картони, 388 тонна синтетик ювиш воситалари, 148 минг тонна шартли сабзавот ва мева консерваси ва бошқа буюмларга эга бўлди.

Бунда стандарт талабларига жавоб берадиган саноат маҳсулоти ҳажми сифати анча ўсди. Ҳамза районида масалан, ҳозир 32 хил турли машинасозлик буюмлари, қурилиш индустрияси, электротехника, озиқ-овқат ва енгил саноат буюмлари Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Куйбишев районида фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми умумий ҳажмидан 26 процентни ташкил этди.

Мусобақадош районларда кўпгина корхоналар кооперация бўйича буюмлар етказиб бериш борасидаги план ва шартномаларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб боришди. Кўпгина корхоналар топшириқларини ортиғи билан бажаришди. Натижада улар биринчи ярим йилликни яхши техника-иқтисодий кўрсаткичлар билан якунлашди. Планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, фондлар самарадорлигини ошириш, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни

10 Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. ФОЗИЛОВ: Корхона ва ташкилотларда вақтинча ходим бўлиб ишлаб турган кишиларни ишдан бўшатиш тартиби қандай? Илож бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Маълум ёки номаълум муддатга, лекин иккала ҳолда ҳам кўпи билан икки ойлик ишга қабул қилинган ишчи ва хизматчилар вақтинча ходимлар бўлиб ҳисобланадилар. Муайян сабаб билан тўрт ойгача ишга чиқмайдиган (амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ вазифаси сақланиб турадиган) ходим ўрнига ишга қабул қилинган киши ҳам вақтинча ходим бўлиб ҳисобланади. У шу муддат ўтгандан кейин ҳам ишлайверса, вақтинча ишга олинган кунидан бошлаб доимий ходим ҳисобланади.

Ҳомиладорлик ва туғруқ отпускаси тамом бўлган аёлга аввалги иш жойи берилиши лозим. Бу аёл ўрнида ишлаб турган ходимни нима қилиш керак? Бундай ҳолларда ходим меҳнат қонунлари кодексининг тегишли модласига мувофиқ касаба союзи фабрика, завод маҳаллий комитетининг розилиги билан ишдан бўшатилади.

* * *

А. ҚУРБОНОВ: Автобус ҳайдовчилиги касбини эгалламоқчи эдим. Қаерга мурожаат қилсам бўлади.

Жавоб: Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг махсус автомобиль мактаби автобус ҳайдовчиларини тайёрлайди. Бу махсус мактаб Сергели районидаги Чоштепа кўчаси, 29-уйда жойлашган. Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 53-05-55 рақамли телефонидан маълумотлар олишингиз мумкин.

* * *

М. ЮСУПОВ: Яқинда шаҳримизда янги «Тошкент» автовокзали ишга туширилганлигини эшитиб қолдим. Айтингчи, у ерга қайси йўл билан борилади.

Жавоб: Янги «Тошкент» автовокзали Халқлар дўстлиги проспектида жойлашган. У ерга метрода ҳам бориш мумкин. Бунда «Собир Раҳимов» станциясида тушилади. Шунингдек, янги автовокзалга 84 ва 103-автобусларда ҳам борса бўлади.

* * *

Ф. САФОЕВА: Шаҳримизда стулларни ремонтдан чиқарадиган устахона бор экан. Ана шу устахона адресини берсангиз.

Жавоб: Маиший жиҳозлар ва мебеллар комбинати аҳолининг стулларини сифатли ремонтдан чиқариб беради. Бу комбинат Қорасарой кўчаси, 282-«А» уйда жойлашган. Буюртмаларни телефонлар орқали ҳам берса бўлади. Бунинг учун 48-35-26 рақамли телефон номерини теришнинг ўзи кифоя дир.

* * *

Р. КАРИМОВ: Мен шаҳримиздаги радио ва музикалар Уйининг қаерда жойлашганлиги ва бу Уйда қандай товарлар сотилишини билишни истар эдим.

Жавоб: Радио ва музика Уйи Чилонзор массивининг 5-кварталида жойлашган. Бу Уйдан Сиз турли маркадаги телевизорлар, радиоприёмни к л а р, транзисторлар, магнитофонларни ҳарид қилишингиз мумкин.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Бир қадаҳ ароқнинг қуввати шунчалик бўлдики, у Владимир Андреевич Пожарницкийнинг икки йил муддатга автомобиль воситаларини ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилди ва 20 сўм жарима пули тўлашга мажбур этди. Бундан ташқари унинг олти ёшли Ольга исмли қизи тўқнашув оқибатида жароҳатланди. Воқеа бундай содир бўлди.

Лисунов кўчасида ИЖ—Юпитер мотоциклини бошқариб келаётган В. Пожарницкий ҳайдовчиликнинг удласидан чиқолмади ва мотоциклни ГАЗ—69 автомашина с и г а олиб бориб урди.

Омон МУХТОРОВ

Янги шеърлар



ҒАЗАЛ

Соҳир санам менга бир кур кўрсатганда оразин,
Юрагимда тасвир янглиғ олиб қолдим қорасин.
Менинг учун то ўша дам дарду ўйин бир эди,
Шарт ажратдим шундан кейин икки сўзнинг орасин.
Мендан талаб қилгани йўқ қалбимни ёр, мен ўзим
Бердим унга бўлак-бўлак қалбимнинг ҳар порасин.
Мен билардим, бу дунёда не дардларга чора бор,
Билмай қолдим, қандай топай, муҳаббатнинг чорасин.

«АНИҚ МАНЗАРАЛАР...»

Аниқ манзаралар хаёлга бошдан
Бунда муҳрланди. Келиб юзма-юз.
Мана, бир кунлари хасис кўз ёпдан—
Харсангдан теграси безанган ҳовуз.

Аниқ манзаралар хаёлга бошдан
Бунда муҳрланди. Кезиб кўп марта.
Мана, пештоқдаги ярқироқ тошдан—
Қушлар дарс ўқишар мадрасаларда.

Аниқ манзаралар хаёлга бошдан
Бунда муҳрланди. Кўриб минг бора.
Мана, йўл устида, шамдек қуёшдан—
Қисқа сол солган узун минора.

Аниқ манзаралар хаёлга бошдан
Бунда муҳрланди. Қолди бирма-бир.
Мен мусаввир эмас, асрлар ошган—
Бухоронинг ўзи танҳо мусаввир.

„ЖАНГУ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТГАН КУН"

Биласизми, жангу жадал давом этган кун,
Юракларда тўлқинланиб кетганда ҳислар—
Ғанимларга келмасин деб, юртимиз забун,
Боғлашганди йигитлардек камарни қизлар.

Биласизми, турмуш юкин елкага олган,
Қурол ясаб, йўллар очган, тиклаган
излар —
Ўша кунги матонатли, мағрур аёлдан
Қарзимизни узолмаймиз ҳеч қачон бизлар.

Биласизми, аёлларга боғлиқ кўп нарса,
Кураш каби, шараф каби теран илдизлар.
Биласизми, шу парилар бизда бўлмаса —
Эҳтимолки, чекинмасди биздан иблислар.

«ЕТИБ КЕЛДИ»

Етиб келди кутилган
шакба.
Турганимда ижиб
тақдирдан —
Ерга тушган гўёки танга,
Янграб кетди овозинг
бирдан.

Мен ҳис этдим:
Имлаябди боғ,
Хиёбонлар— яшил бир
йўлак.
Унда яшар сирли иштиёқ,
Ранги бўлак, оҳанги
бўлак.
Менга насиб —билмоқ
истадим,

Кулфат сендан
Ёки хандалар.
Келгайми бахт,
Кетгайми бахтим —
Ерга тушган гўё
тангалар...

КЕЛМАДИНГ

Не сабаб бўлди нигорим, интизорим, келмадинг.
Ёки мендан юз ўгирдинг, билмадим, ёр келмадинг.
Ўтди ёлғиз тун кечам, ой билан суҳбат қуриб.
Ой охир, уйқуга чўмди, менчи бедор келмадинг.
Балки сен ҳижрон ўтила қалбима бердинг синов.
Бу синов ҳижрон менинг чун бўлди-ку дор, келмадинг.
Охири очди қучоғин тонг чоғи гул лолазор,
Мен каби айларди афғон булбули зор, келмадинг.

Мамадали СОДИҚОВ.



«Мосфильм» киностудиясида режиссёр С. Кулиш «Парвоз» номли янги кинофильмни суратга олмоқда. Фильм машҳур рус олими, рус космонавтикасининг отахони Константин Эдуардович Циолковский ҳақида ҳикоя қилади.

Сценарий авторлари— С. Кулиш, О. Осетинский. Фильмдаги К. Э. Циолковский ролини машҳур совет шоири Евгений Евтушенко ўйнамоқда. Картина Калуга, Москва ва Ленинградда суратга олинмоқда.

СУРАТДА: шу фильмдан ишчи кадр.

ТАСС фотохроникаси.

Адабиёт ва Санъат

Маданий ҳаёт

СОЛДАТЛАР ҚИССАСИ

Йиллар ўтиб кетсада, маълум бир даврда Ватан ва халқ учун курашган кишилар ҳеч қачон унутилмайди. Яқинда «Ўзбекфильм» киностудияси «За Игрални фильм» (Болгария) студияси ҳамкорлигида яратган «Икки солдат қиссаси» фильми фикримизнинг далилидир. Бу асарда асосан, 1943 йил — Улуғ Ватан уруши давридаги қирғин жанглар, уруш бошланганидан кейин халқимиз жуда орзиқиб кутган фронтдаги буюк бурилиш даври, армиямизнинг зарбалари остида фашист босқинчиларининг дастлабки чекинишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўзбек солдатлари қирғин жангларда кутилмаганда душман қўлига тушиб қолади ва Болгарияга жўнатилди. Фильмда ана шу икки жангчининг Болгария тупрогида фашизмга қарши олиб борган кескин курашлари ҳақида ҳикоя қилинади. Улар ана шу курашнинг ўзлари учун муқаддас бурч деб тушунадилар. Муҳими шундаки, уларнинг бу қутлуғ ишларида болгариялик ватанпарварлар ҳам катта ёрдам беришади. Гарчи фильмдаги қаҳрамонлар ёшлик рамзидай. Мақсудов сермашаққат ҳаёт йўлларини босиб ўтган ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган киши сифатида жонланса-да, уларнинг олдида турган бирдан-бир вазгу мақсади— Ватанни босқинчи фашистлардан озод қилиш учун курашишдир. Мақсудов ролини ижро этган Бахтиёр Ихтиёров ҳам, Зокиров ролини ижро этган Рустам Саъдуллаев ҳам бу ғояни ёрқин акс эттиришга эришишган. Асарда бир қатор таниқли болгариялик киносанъаткорлар ҳам қатор ролларни ижро этишган. Фильм сценарийсини истеъдодли ўзбек адиби Ўлмас Умарбеков, ҳамда Николай Фигуровский-лар ёзишган. Асарни постановка қилган режиссёр Зоҳид Собитов-дир.

ОЛМОС ҚИРРАЛИ ЖАВОҲИРЛАР

ТАҚРИЗ

Умр бўйи бир жанрда қалам тебратган ижодкорнинг халққа айтадиган кўпгина «гап»-лари ўзида қолиб кетса керак. Негаки, ҳар бир жанрнинг ўз имконияти, ҳаётни тадқиқ этиш кўлами бор; шеърда айтилиши кеоак бўлган фикр ҳикояда ёки достонга мос ғоя драмада ифодаланса ўз таъсир кучини йўқотиши мумкин. Балки шунинг учундир, маълум бир ёшгача биттегина жанрда ижод қилиб келган кўпгина ижодкорлар вақт келиб, бошқа жанрларга ҳам мурожаат қилишади.

Баъзан шундай бўладики, кейинги жанрда яратилган асарлар ўша адиб ижодида янги босқич бўлиб, муаллифга шон-шуҳрат келтиради.

Ҳамиша шеъриятда ижод қилиб келган Р. Ҳамзатов ярим мемуар характеридаги «Доғистоним» асари билан янада машҳур бўлиб кетди. К. Паустовскийнинг «Олтин гул», В. Катаевнинг «Ҳаёл чечаклари», М. Каримнинг «Олис болалик», ниҳоят Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиғи» асарлари бу муаллифлар ижодида олдинга ташланган қадам бўлди.

Шукруллонинг драмаларини ҳисобга олмаганда, асосан, у шеъриятда ижод қилиб келарди. Мана энди кўп жилдатдан мемуар характер касб этган ҳаёт, инсон ва ижод ҳақида кўпинча оригинал, баъзан умумийроқ йўсинда баён этилган фикрларини ўз ичига олган китобини чоп эттирди.[1]

Китобни ўқий бошлашингизданоқ у ўзининг шарқона услуби, фикр оқимининг қисқадан ҳисса тарзида қурилиши, аҳён-аҳёнда умумий мазмунга мос шеърий мисралардан фойдаланиши билан бир қанча шарқ классикларининг асарларини, хусусан Шайх Саъдийнинг «Гулистон»ини, бошқа жиҳатлари, замонавийлик билан тарихийликни маълум даражада уйғунлаштирганлиги, машҳур ва номашҳур одамларнинг сўзларидан фойдаланилиши билан юқорида эслатилган «Доғистонимга ўхшаб кетишини, ҳатто айрим ўринларда ўзбек халқи ҳаёти ва адабиёти мисолида Р. Ҳамзатовнинг асаридаги баъзи фикрлар (масалан, ижодкор меҳнати ва истеъдод хусусидаги гаплар)га яқин мулоҳазалар илгари сурилганини ҳис этасиз. Бу албатта улкан шарқ адиби ва катта совет шоирининг ўзбек адабиёти, хусусан Шукрулло ижодига самарали таъсиридан бошқа нарса эмас.

Шукрулло ўз ҳаётида бўлиб ўтган айрим воқеа-ҳодисаларга боғлаб, ҳаёт ва инсон, эътиқод ва истеъдод каби кўплаб масалалар хусусида самимий баҳс юритади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу китобдаги кўпчилик мулоҳазалар, шу жумладан, ижод ва ижодкор ҳақидаги фикрлар, хаёлга келганда қайд этиб қўйилган осмоний гаплар эмас, балки Шукруллонинг ижодий лабораториясида пишиб етилган, кўплаб машаққатли тажрибаларнинг қонуний ҳосиласи тарзида пайдо бўлган фикрлардир.

«Халқ —бу чексиз хазина. Ким нимани орзу қилса, шу хазинадан топиши мумкин. Бахт, ҳам, мангулик ҳам, мартаба, шон-шуҳрат ҳам шу хазинада. Аммо хазинанинг калити халқнинг қалбини топа билишда, унга муносиб иш қилишда», каби сўзлар ғарчи биринчи назарда кўпчиликка маълум гаплардай туюлса-да, образли равишда, ҳис қилиб айтилганлиги билан ажралиб туради. Зеро, бу сўзлар ижод машаққатларини бошидан кечирган шоирнинг сўзларидир.

Шукрулло ҳаёт ва ижод машаққатларини бошидан кечирган шоир сифатида истеъдод ва унинг моҳияти, шоирликнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳақида фикр юритар экан, турли хил усуллар, йўллар билан (гоҳ замонавий ёки тарихий ҳикоятлар келтириб, гоҳ ижодкорлар ёки оддий одамларнинг сўзларидан фойдаланиб) китобхонга ҳаёт ва ижод моҳияти ҳақидаги фикрларини, ҳис-туйғуларини юқтиради.

Худди мен шу усул китобни янада ўқишли, қизиқарли қилиш билан бирга, адабиётга онд мураккаб назарий масалаларнинг оддий одамларга ҳам тушунарли бўлишини таъминлаган. Зеро бадиий ижод билан бевосита машғул бўлгувчи ижодкор, қурук, назарий фикрлар билан иш кўргувчи айрим мунаққидлардан фарқли ўлароқ мураккаб қонуниятларни ҳам ўқувчи тасаввурига мос, ҳаётий ва образли ташбеҳлар орқали ифодалай олади.

Шукрулло шоирликнинг моҳияти, истеъдод ва илҳом ҳақида фикр юритар экан, зарур ўринларда адабиётга у ёки бу даражада алоқадор даврларда бўлиб ўтган суҳбатларни келтиради, баъзи жойларда эса тарихий ёки замонавий воқеалардан миллий замин билан боғлиқ деталлардан фойдаланади. Муаллиф бир ўринда адабиётга қизиқувчи оддий кишиларнинг суҳбатини ўз ҳолича беради:

— «Шоирлар қиттай қилмаса, илҳоми келмайди.

— Бу жуда ҳам тўғри эмас. Агар фақат ичиш билан одам шоир бўлганда Раим писмиста шоир бўлиб кетарди, шоир серташвиш, дардли одам бўлиши керак.

— Агар бировларнинг ташвишини ўйлаш билан шоир шоир бўладиган бўлса, унда Маҳмуд тераша шоир бўлиши керак эди.

— Маҳмуд тарашада ўйлаш бору илм йўқ, шоир бўлиш учун илм ҳам керак-да!

— Илм билан шоир бўлиш мумкин бўлса, унда маҳалламизнинг домласи бўлиши керак эди.

—Шоирлик учун илмнинг ўзи камлик қилади, жаҳонгашта бўлиши, дунёни кезган одам бўлиши керак.

— Дунёни кезиш билан шоир бўлиш мумкин бўлса, унда Али проводник шоир бўлиши керак, бутун мамлакатни кезиб чиққан».

Шундан кейин: «Шоирлар учун илм ҳам, илҳом ҳам, ҳаммаси керак» деган хулоса чиқаради. Бу хулоса эса адабиёт билан шуғулланувчиларга ҳам ундан бироз узоқда бўлган кишиларга ҳам етиб боради.

Ижод, яратиш машаққатлари билан танишиш, ҳаёт билан янада чуқурроқ ошно бўлиш учун одамларнинг ўзлигини топиши учун зарурдир. Ўзлигини англаган одамлардан ташкил топган халқнинг келажаги ҳамиша нурли бўлади.

Ҳаёт ва ижод ҳақида баҳс юритар экан, шоирликнинг моҳияти, ўзбекнинг ўзига хос турмуш тарзи ҳақида, қуёш нурини «оқ олтинга айлантираётган меҳнаткашлар, халқ иқтувари Исроилбек ака, инсоф юзасидан ўтинни ҳам тарозига тортиб бергувчи уста Мақсудларнинг тақдири билан боғлиқ қизиқарли ҳодисалари ҳақида келтиради. Булар халқимизга хос меҳнаткашлик ва ҳалоллик, ўткир мушоҳада ва истеъдодлик каби айрим хислатларни тасаввур этишимизга имкон беради.

Юқорида биз Р. Ҳамзатовнинг «Доғистоним» асарини алоҳида эслатган эдик. Гап шундаки, бу асар шу жанрда яратилган китобларнинг энг мукаммали бўлиб, унда ўзининг киррадорлиги билан хотирада сақланиб қолгувчи қуйма фикрлар, халқнинг типик хусусиятларини очиб бергувчи воқеа — ҳодисалар тасвири кўплаб учрайди.

Шукрулло ҳозир шу жанрдаги иккинчи китоб устида иш олиб бормоқда. Биз унинг китоби ҳар жиҳатдан «Доғистонимга ўхшасин, демоқчи эмасмиз, албатта. Аммо иштирокчи, Шукрулло бу асарида ўзбек ижодкори ва халқини оламга кўз-кўз қиладиган салмоқли, типик томонларини, тарихимиздаги афсона ва ривоятларни асарига янада ҳам кўпроқ сингдирибюборса, уни киррадор ва ўткир фикрлар юксак тимсоллар билан бойитса! Зеро ана шундай фикрлар — олмос киррали жавоҳирлар туфайли ўқувчиларимиз маънавий жиҳатдан янада ўсиб, ҳаётга янада чуқурроқ назар ташлайди.

Ботир НОРБОЕВ.

[1] Шукрулло. «Жавоҳирлар сандиғи». Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1977 йил.

● *Шаҳримиз музейлари бўйлаб*

Гўзаллик олами

Ўзбекистон амалий санъат музейи... Бундан қирқ йил муқаддам Шпильков кўчаси. даги 15-уйда ана шу музей юзага келди. Рус дипломати А. А. Половцевнинг собиқ саройи бўлган бу бинода музей ҳозирги кунда ҳам ишлаб турибди. Эндиликда у Ўзбекистон халқ декоратив санъати коллекцияларини йиғилган бой хазинага айланди.

Мана, Бухоро каштачилари... Оқ тагликка енгил, майин гулли ҳошиялар солинган. Каштанинг ўртасига ромблар «чизилиб». унга гуллар, шохчалар шакли солинган.

Мана буниси Нурота каштаси... Ҳар жиҳатдан Бухороникига яқин бўлиб. ҳошияси кенг. гули қалинроқ.

Тошкентнинг «Палак» деб аталган каштаси ипак ёки оч ё тўқ қизил ип билан сидирғасига тикилган. «Палак»нинг қоқ ўртаси само кўринишида, доира шаклида тасвирланиб. унинг ичида қалин қилиб тикилган турли-туман гуллар бўлади.

Қора шох отган полиз ўсимликли ва катта қизил тоғора тасвирланган Самарқанд каштаси ҳам шинавандаларида катта қизиқиш уйғотади.

Музейнинг кўргазмалар залида халқ ижодиётининг мустақил турли сифатида ўзбек дўппилари: Тошкент ироқи, чоргул тақдўзи, оқпар дўпписи нозик ишланган.

Дўппилар ичида энг машҳури — Чуст дўпписи бўлиб, унинг қора таглигига оқ ипакда «қалампир» нусхаси солинган.

Қўлда тикилган энг сермеҳнат кашталардан бири — Шаҳрисабзнинг «Ироқи» каштаси бўлиб. бу қашта музейда алоҳида кўргазмага қўйилган.

1937 йилдаёқ Парижда ўтказилган жаҳон виставкасида, 1939 йилда эса Нью-Йоркдаги жаҳон виставкасида ўзбек каштаси катта олтин медаль ва Олий мукофот дипломи билан тақдирланган эди.

1958 йили Брюсселда очилган халқаро виставкада музей залларига қўйилган ўзбек кашталари ва дўппилари катта бронза медални олишга муяссар бўлган эди.

Музейда бўлган киши «Зардўзлик», «Миллий газламалар», «Мискорлик», «Кулолчилик», «Ёғоч ўймакорлиги ва наққошлиги», «Гиламдўзлик» каби заллардаги кўргазмаларни, уларда намойиш этилаётган нодир экспонатларни кўриб, ўзбек халқининг узоқ тарихга эга бўлган амалий санъати ва унинг тараққиёти босқичлари билан яқиндан танишади.

Музейда, асосан, ўтган асрда тикилган кашта намуналари сақланмоқда. Ш у н и с и тақсинга сазоворки, Тошкент, Самарқанд, Бухоро бадиий фабрикалари чеварлари ҳам хилма-хил кашта намуналарини яратишмоқда. Лекин улар ҳам қўлда тикилган кашталарга хос усулларни сақлаб қолган ҳолда, ўзларининг янгича, оригинал асарларини яратишмоқда.

Музей заллардаги жим-жималар, нақшлар, девордаги хилмахил бадиёна ижодий услубдаги безаклар ўтган асрлардаги ўзбек амалий санъати анъаналарининг бевосита давомидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон амалий санъат музейи заллари да тўрт мингдан зиёд ранг-баранг экспонат намойиш этилмоқдаки, буларни томоша қилган санъат ихлосмандлари халқимизнинг бой амалий санъати, унинг тараққиёт йўли ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлади.

Р. ИСМАТУЛЛАЕВА.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Революциянинг дадил одими

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасининг бош министри Нур Муҳаммад Тараки «Руде право» газетасида босилган суҳбатида бундай деди: Афғонистонда апрель революциясидан буён ўтган икки ой ичида бутун халқнинг яқдил қўллаб-қувватлаши билан демократик ҳокимият тамомила қарор топди.

Бош министр сўзини давом эттириб, бундай деди: республика ҳукумати ҳозирги пайтда революцион программани бажариш учун амалий қадамлар қўйишга алоҳида эътибор бермоқда. Мамлакатни социал ва иқтисодий ривожлантириш беш йиллик планини ишлаб чиқишга киришилди, регионал аҳамиятга эга бўлган бир қанча лойиҳалар қабул қилинди, шунингдек маданият ва маориф соҳасини ривожлантиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Н. М. Тараки мамлакатнинг ички сиёсий аҳволига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: ҳозирги вақтда Афғонистон Халқ Демократик партиясининг раҳбарлигида революция ғалабаларини ҳимоя қилишни кўзда тутган ички фронтни жипслаштириш жараёни давом этмоқда.

Республика ҳукумати империалистик фитналарни барбод этиш учун зарур чораларни кўрмоқда ва апрель революциясига қарши чиқаётган реакцион унсурлар билан қураш олиб бормоқда.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПРАГА. Чехословакия қизил крести Пиночет хунтаси томонидан «бедарак йўқолди» деб эълон қилинган Чили ватанпарварларининг талабларини қўллаб-қувватлади. Маҳбусларнинг қариндошлари ва яқин кишиларига юборилган телеграммада бундай дейилади: Чехословакия меҳнаткашлари сизларнинг 2500 сиёсий маҳбусни озод қилиш йўлидаги ҳаққоний курашингизни бутун чоралар билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ўз сафларида бир миллиондан ортиқ кишини бирлаштирган ташкилотимизнинг аъзолари, деб таъкидлаб ўтилади телеграммада, халқаро ҳуқуқ нормаларининг фашист режими томонидан қўпол равишда бузилаётганлигини қатъий қоралайдилар.

ОММАВИЙ МИТИНГ

БОГОТА. Колумбия пойтахтида Чили халқи билан бирдамликка бағишланган оммавий митинг бўлди. Митингни Колумбия давлат хизматчилари касаба союзлари уюштирди.

Шу мамлакат давлат хизматчилари касаба союзларидаги комитетининг раиси Анхелино Гарсон ва бошқа нотиқлар митингда сўзга чиқиб, бошқача фикр юритувчи гражданларни кўплаб ўғирлаб кетаётган хунта жазо органларига лаънат ўқидилар.

(ТАСС).



ШВЕЙЦАРИЯ. Лугано кўли қирғоқларида балиқ овлаш спорти бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда 400 дан ортиқ балиқчилар қатнашишди.

Кейстон— ТАСС фотоси.

Мавритания воқеаларига доир

ДАКАР. Нуакшот радиосининг хабар қилишича Мавританияда кеча мамлакатда ҳокимиятни миллий тикланиш ҳарбий комитети ўз қўлига олганидан кейин тузилган ҳукуматнинг состави эълон қилинди. Ҳарбий комитет раиси подполковник Мустафо Ульд Солиҳ ҳукумат бошлиги қилиб тайинланди. Илгари у қуролли кучлар штабининг бошлиги эди. Ҳукумат составига жами саккиз ҳарбий ва саккиз граждан шахс киради.

Хабарларда Мавританияда комендантлик соати жорий этилганлиги уқтирилади.

Ҳиндистон саноати ривожланмоқда

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон экономикасининг давлат секторига қарашли «Бхарат электроникс» компанияси маҳсулотини сотиб олаётган жаҳондаги қирқ мамлакатда «Бэл» номли савдо маркасини жуда яхши билишади. 1954 йилда ташкил этилган бу компания Ҳиндистонда электрон ускуналар ишлаб чиқарувчи энг катта компания бўлиб қолди. Унинг маҳсулотларини АҚШ, Англия, Германия Федератив Республикаси, Канада, Япония, Швейцария ва бошқа мамлакатлар сотиб олмоқда.

«Бэл» компаниясининг муваффақиятлари давлат секторининг корхоналари тез ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Кўп йиллардан бери «Бхарат электроникс» ишлаб чиқаришни ўрта ҳисобда йилига 10 — 15 процент кўпайтирмоқда. 1977-78 молия йилида компаниянинг савдо оборотн 7,37 миллиард рупияга етди.

«Бэл» нинг Бангалурда ва Ғозиободда (Деҳли яқинида) ишлаб турган иккита ишлаб чиқариш комплекси бор. Тез орада Пунда қурилаётган завод ишга тушади.

Фирманинг маҳсулотидан миллий экономика ва фаннинг кўп тармоқларида кенг фойдаланилмоқда. Радио. ёочта ва телеграф муассасалари учун электрон аппаратлари билан ускуналанган. Компания чўнтакка сиғадиган жажжи кулькуляторлардан тартиб учинчи авлодга мансуб катта компьютерларгача электрон-ҳисоблаш техникасини ҳам. шунингдек мураккаб контроль ўлчов аппаратларини ҳам ишлаб чиқармоқда.

ЗЮШКЕНТ
ОҚШОМИ
17 ИЮЛЬ, 1978 й.

БУ СЕНГА ТАЪНА ЭМАС, „ПАХТАКОР“

Футбол

Ҳар йили футбол бўйича мамлакат чемпионатининг биринчи давраси ниҳоясига етганда бўлиб ўтган тур учрашувларини анализ қилиб, умумий якун чиқариш одат тусига кириб бормоқда. Бу сафар ҳам ана шу анъанага биноан олий лигада қатнашаётган «Пахтакор»нинг босиб ўтган йўлига бир назар ташлашни лозим кўрдик. Албатта бу йўл «Пахтакор» учун ҳам, ишқибозлар учун ҳам енгил бўлмади. Унда шу йилнинг апрель ойидан то июль ойининг биринчи ярмигача бири-биридан оғир бўлган 15 тўсиқ босиб ўтилди.

Ҳар бир командага биринчи навбатда очколар керак, албатта. Бироқ, футбол оммавий ва энг севимли спорт ўйинларидан бири эканлигини унутмаслик керак. Стадионга келган ўн минглаб томошабинлар зўрма-зўраки футбол учрашувини эмас, балки чинакам, командаларнинг ҳужумкорлиги билан ўтадиган футболни кўргани келадилар. Шунинг учун ҳам биз ушбу мақолада ишқибозлар томонида туриб «Пахтакор» ўйинчиларига қарата бир оз таънали сўзлар айтишга мажбурмиз.

Командага биз берадиган баҳо бироз пасайиб кетаётган бўлса ҳам ўйлаймизки, бунга «Пахтакор» футболчилари ва тренерлари ранжишмайди. Балки бу сўзлардан улар ўзларига муҳим хулосаларни чиқариб оладилар.

Дабдабали сўзлар айтишдан кўра, энг аввало фақт ва рақамларга мурожаат қилганимиз дуруст. Чунки у босиб ўтилган йўлни кўз ўнгимизда яққол кўрсатиб беради.

Тошкент футболчилари учун бу йилги баҳор мураффақиятли келгани ҳамон ҳаммамизнинг эсимизда. Дастлабки кубок ўйинлари тўсиқлари муваффақиятли босиб ўтилди. Мамлакат чемпионатининг икки учрашувида, яъни ЦСКА ва «Локомотив» билан бўлган ўйинларда пахтакорчилар имкониятдаги 4 очко ўрнига 3 очко тўплашди. Бундай қараганда учрашувларнинг борини ва команданинг бу йилги ҳужумкорлиги ёмон эмасдек кўринарди. Бироқ «Локомотив» билан бўлган беллашувга чуқур ёндошилса, ўша вақтдаёқ «Пахтакор»нинг камчиликларини яққол кўриш мумкин эди. Чунки кучлар тенг келиб турган бир вазиятда пахтакорчилар ўз майдонларида дуранг натижага эришишди. Бунинг сабаби ҳамшаҳарларимизни и г учрашувга совуққонлик билан қараганликларидадир. Афсуски, пахтакорчиларда бундай одат тез-тез содир бўлиб туради.

Бундан пахтакорчилар ўзлари учун зарур хулоса чиқариб олмадилар. Навбатдаги кубок ўйинларида— Тбилисининг «Динамо» командаси, сўнгра эса икки календарь учрашувида дуруст натижага эришилмади. Ваҳоланки, бу беллашувларда ҳам командаларнинг кучлари деярли бир-бирлари билан тенг вазиятда эди. Келинг, яна фактларга мурожаат қилайлик. «Пахтакор» Тбилиси билан бўлган кубок матчида имкониятни қўлдан бой бермаслиги мумкин эди. Агар М. Ан 11 метрли жарима тўпини аниқ нишонга урганида (бу бир неча бор такрорланди) ҳамма иш кўнгилдагидек бўлар эди. Гап жарима тўпи устида борар экан, «Черноморец» билан бўлган беллашувда В. Макаровнинг тўпини дарвозага киритолмаганлигини ҳам айтиб ўтмоқ лозимдир. Чунки, биргина ана шу тўпнинг дарвозабон томонидан қайтарилиб қолиши ўйин тақдирини бутунлай бошқача ҳал этди.

Биз бу ерда футболчиларимизнинг 11 метрли тўпини дарвозага кирита билмаганлари учун таънали гаплар айтмоқчи эмасмиз, албатта. Футбол тарихида бундай воқеалар кўплаб учраб туради. Бироқ ана шу тўпларни дарвозага киритолмаслик бутун командани тушкунликка тушириб қўйганлигини қайд этиб ўтмоқ лозим.

Сафарда «Зенит» ва «Қайрат» командалари билан бўлган учрашувлар ҳам психологик характерда ўтди. Ленинградликлар билан бўлган матчда пахтакорчилар биринчи бўлиб тўп ўтказиб юборган бўлсалар ҳам тушкунликка тушишмади. Бунинг эвазига улар рақиб дарвозасини икки марта аниқ нишонга олишиб, олдинга ўтиб олдилар. Шундан кейин ҳар галгидек ўйин суръати пасайди. Ҳамшаҳарларимиз ҳали учрашув тугашига анча вақт бўлишига қарамай ўз галабаларига комил ишонч билан қарашди. Ана шу манманлик натижасида «Пахтакор» дарвозасига бирин-кетин уч марта тўп киритилди. Яна тошкентликлар «енг шимаришга» мажбур бўлдилар. Ниҳоят дарвозага битта тўп киритишга муваффақ бўлдилар, ўйинни 4:5 ҳисобида бой бердилар... Агар мана шу учрашувда командамиз аъзолари хотиржамликка берилмаганларида эди, ўйин натижаси бошқача тугаган бўларди.

«Қайрат» билан бўлган матчда ҳам мана шу ҳол кўзга ташланди. Биринчи таймда командалар майдонда тенг вазиятда қураш олиб бордилар. Иккинчи таймнинг бошида Федоров томонидан рақиб дарвозасига киритилган ягона тўп яна пахтакорчиларни хотиржамликка солиб қўйди. Бу уларга жуда қимматга тушди. Уч минут давомида дарвозага 3 та тўп киритилди.

Мана, ниҳоят биринчи давра тугалланаётганда «Пахтакор» бекор бериб қўйган очколарини ҳисоблашга тўғри келади. Агар бу очколар ҳамшаҳарларимизнинг чўнтакларида бўлганида эди, команда аъзолари ва тренерларнинг ишлари анча енгил бўлган бўлур эди. Бундай вазиятда ёш футболчиларни ҳам асосий состав билан майдонга тушириш мумкин бўлур эди, ўйинда баъзи бир тактик янгиликларни синаб кўриш учун ҳам имконият яратилган бўларди. Очколар кам бўлгач футболчилар ҳам, тренерлар ҳам ҳар бир ўйинни қизғин ўтказишга мажбур бўлишади. Пахтакорчиларнинг «Арарат», Тбилисининг «Динамо» ва Бокунинг «Нефтчи» командалари билан сафарда ўтказилган ўйинлар ҳам ана шундай қизғин бўлди. Бу учрашувларга барча кучлар сафарбар этилди. Шўҳа йўқки, ҳамшаҳарларимиз бу матчларни жанговарлик руҳида ўтказишиб, «Арарат» ва «Нефтчи» командаларини 2:0, грузин футболчиларини эса 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Донецкнинг «Шахтёр» командаси билан бўлган беллашув 1:2 ҳисобида пахтакорчиларнинг мағлубияти билан тугаган бўлса-да, бу матч ҳақида ёмон сўзлар айтиб бўлмайди. Чунки бу беллашувларни ҳамшаҳарларимиз юксак руҳда ўтказишди. Тўрт учрашувда рақиб дарвозасига 8 та тўп киритиб ўз дарвозасидан ҳаммаси бўлиб фақат иккитагина тўп ўтказиб юбориш ҳазил гапми?

Бу воқеалар «Пахтакор» ўйинчиларини ҳам ва унинг ишқибозларини ҳам хурсанд қилиб юборди. Бундан мағрурланган пахтакорчилар барча учрашувлар мана шундай бизнинг ғалабамиз билан тугайди деб ўйлаган бўлсалар керак. Афсуски уларнинг бу ўйлари хом хаёл бўлиб чиқди.

«Пахтакор» ўз майдонида «Черноморец» билан 1:1 ҳисобида дуранг натижага эришгандан кейин, қатор муваффақиятсизлик к а учради. Бу борада «Заря» командаси билан бўлган беллашувни алоҳида қайд этмоқ лозим. Бу матч ўйинчилар ва ишқибозлар ҳотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Бу матчда судья бир неча ҳатога йўл қўйди. Унинг бу хатти-ҳаракати футбол федерацияси томонидан ўз вақтида муҳокама қилинди. Арбитр А. Балаян мавсум охиригача ўз вазифасидан четлаштирилди. Бу ерда ўйинчиларимизнинг ўзларини тута билмасликлари ҳақида ҳам бир неча оғиз сўз айтиб ўтишимиз лозим. Ана шу учрашувдан сўнг икки ўйинчи жазоланди. Бу жазо эса командага жуда қимматга тушди. Очигини айтиш керак ахир Федоров ва Бакановлар «Пахтакор»нинг етакчи футбол ч и д а р и-ку. Уларнинг учрашувларда қатнашмасликлари майдонда яққол сезилиб туради. Бунинг устига асосий состав ўйинчиларидан бир нечтаси жароҳат олганлиги туфайли кейинги учрашувларда қатнашмади.

Футбол ҳаётида нотўғри босилган ҳар бир қадам команда тақдирига қандай таъсир этиши юқоридаги мисоллардан рўй-рост кўриниб турибди. Шундай экан, пахтакорчилар майдондаги судья билан баҳслашишни бас қилишлари, хотиржамлик касалига барҳам беришлари лозим. Чунки бу иллатлар ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Биринчи давра мобайнида тошкентлик футболчиларга 9 марта сариқ, бир марта эса қизил карточка кўрсатилди. Бу албатта кўп.

Кўпинча учрашувларда Марказий «Пахтакор» стадионининг ярми ҳам томошабинлар билан тўлмайди. Баъзилар бунинг сабабини ишқибозлар учрашувни телевизорда томоша қилишлари натижасида деб билишади. Биз учун бундай эмас, албатта. Агар ҳар бир команда ҳужумкорлик билан ўйнаса, чиройли ўйинлари билан ишқибозларни мамнун этса ўз-ўзидан томошабинлар стадионга кўплаб келаверишади. Биз яқин ўртада 2 миллионга яқин аҳоли яшайдиган шаҳримизнинг 50 минг ўринли стадионини томошабинлар билан тўлганини эслай олмаймиз. Саккиз учрашувда ҳаммаси бўлиб стадионга 148 минг киши кирганлигини қайд этиб ўтмоқ кифоя. Бу рақам бош қотириб ўйлашни тақозо этади.

Биз биринчи давра якуни ҳақида сўз юритар эканмиз яна рақамларга мурожаат қилишга мажбурмиз. «Пахтакор» 15 учрашувда ҳаммаси бўлиб 13 очко тўплади. Тўрт учрашувда галаба қозонди. Бешта учрашувда дуранг натижа қайд қилинди. Олтита беллашувда эса мағлубият алами тортилди. Тўплар нисбати 22:21. Тошкентликлар биринчи даврa якунида турнир жадвалидан 11 ўринни эгаллашди. «Пахтакор» ўз майдонида 9 очко, сафар учрашувларида эса 4 очко кўлга киритди. Барча 15 учрашувда асосий составдаги уч ўйинчи Юрий Загуменних, Виктор Чуркин ва Александр Корченовлар қатнашишга муваффақ бўлишди. Команда капитани Михаил Ан ва Олим Ашировлар 14 ўйин ўтказишди. Владимир Макаров, Олег Чечетинлар эса 13 ўйинда қатнашишди. Владимир Федоров ҳамон «Пахтакор»нинг энг яхши ҳужумчиси бўлиб қолмоқда. Унинг ҳисобида 6 тўп бор. Виктор Чуркин эса рақиб дарвозасига 4 марта тўп киритган. Михаил Ан, Константин Баканов, Владимир Макаровлар эса 3 тадан тўп киритишган. Ҳимоячилар ўртасида Юрий Загуменних тўп киритиш бўйича пешқадамлик қилмоқда. У икки марта рақиб дарвозасини аниқ мўлжалга олди.

Рақамлар, рақамлар... Биз ана шу рақамларнинг иккинчи давра учрашувларида ҳаммамиз учун қувончли бўлишини чин юракдан истар эдик.


Э. АВАНЕСОВ,
касаба союзлари Бутуниттифоқ қўнгилли спорт жамиятлари Совети футбол федерацияснинг пропаганда қилиш комиссияси аъзоси.

О. ЁҚУБОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ҲАМИША КЕРАКЛИ КАСБ



СОТУВЧИ ЭНГ ОММАВИЙ КАСБЛАРДАН БИРИ.

БУ КАСБ ЎЗ ЭГАСИДАН ИНСОНЛАРГА НИСБАТАН ҲАМИША МЕҲРИБОН ВА ҲАЙРИХОҲ БЎЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ БИЛАН БИРГА МАХСУС БИЛИМЛАР, МЕҲНАТ КЎНИКМАСИ ВА ИШ ТАЖРИБАСИНИ ЭГАЛЛАШНИ ҲАМ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Энг яхши сотувчи харидорга у ёки бу молни чаққонлик билан олиб бериши билан бирга бу молнинг афзалликлари ҳақида гапириб бериши, ҳатто шу янгиликка билан қизиқтираолиши лозим. Бунинг учун сотувчи ҳар томонлама маълумотли киши бўлмоғи керак. Одамлар билан ҳар бир минутда муомала қилаолиш учун эътиборли, сезгир, энг муҳими ҳушмуомалали бўлиш керак. Ана шундай хислатлар аёлларда кўпроқ мужассамлашган бўлади.

ШУНИНГ УЧУН ҲАМ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАР ЭКАНМИЗ, БИРИНЧИ НАВБАТДА СИЗ ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАРГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ!

АГАРДА СОТУВЧИЛИК ИХТИСОСЛИГИНИ ЭГАЛЛАШ НИЯТИДА БЎЛСАНГИЗ. «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ.

6 ойлик ўқиш давомида сиз хўжалик ва маданий-маиший моллар билан савдо қилиш касбини ўрганасиз. Мактаб-магазин — бу савдо корхонаси бўлиб, унда таълим меҳнат практикаси билан қўшиб олиб борилади. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларга товаршунослик, савдо хизмати, савдо эстетикаси ва психологияси, совет ҳуқуқи асослари дарслари бўйича лекциялар ўқийдилар. Амалий машғулотларда эса (ана шу магазиннинг ўзида) иш учун керак бўладиган меҳнат маҳоратини эгаллайди.

Ишлаб чиқариш таълими мастери Райҳон Исроиловна Мамадалиева, мактаб-магазин ва унинг битирувчилари тўғрисида ҳикоя қилиб беради.

— Мактаб бу йил ўзининг 10 йиллигини нишонлади. Ана шу йиллар мобайнида мингдан зиёд мутахассислар тайёрланди. Бизнинг битирувчиларимиз мактаб-магазинни тугатганларидан кейин «Ташхозкультторг»нинг магазинларида ишлаш учун йўлланма олдилар. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги катта сотувчилар, бўлимларнинг мудирлари бўлиб етишдилар. Ўзлари эса эндиликда ёшларни савдо ишига ўргатмоқдалар. Савдо бошқармасининг ва мактаб-магазинларнинг раҳбарлари ўқувчилар ўз билимлари ва малакаларини оширишлари учун ҳамма чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Мактаб-магазин ўқувчиларнинг техникум ва институтларда ўқишларини давом эттиришлари учун йўлланма беради.

Мактаб-магазининг синфхоналари керакли бўлган ўқув ва кўргазмали қўлланмалар билан жиҳозланган.

ЎҚИШЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 60 сўмгача стипендия тўланади.

МАКТАБ-МАГАЗИНДА ЎҚИШ ДАВРИ — УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Мактаб-магазинга 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, Тошкент шаҳрида доимий пропискада турувчи қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: аттестат, паспорт, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см.) ҳажмида.

Машғулотлар группалар комплектланганидан сўнг бошланади.

Маълумотлар олиш учун 47-мактаб-магазинга қуйидаги адрес бўйича мурожаат этинг: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй, (2, 3, 18, 34, 50, 54, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон 53-47-24.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ 128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар составларининг электр ускуналари ва радиоаппаратураларини тузатиш бўйича слесарь-электрик, тортиш подстанцияси диспетчери, саноат ва электр ускуналари бўйича электромонтёр.

Ўқишга ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Контакт ва кабель тармоқларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, тортиш подстанцияларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

Ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Трамвай вагонларининг ҳайдовчилари, троллейбус ҳайдовчилари.

Ўрта маълумотли 17 ярим ёш ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Енгил юк ва махсус автомашиналар ремонти бўйича автослесарь.

Техника билим юрти программаси бўйича ўқишга қабул қилинганлар ҳар оида 50 сўмдан стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

трамвай вагонлари ва троллейбусларининг электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар ремонти бўйича слесарь, контакт ва кабель тармоғининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, металл бўйича токарь, тортиш подстанциясининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

8-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ётоқхона ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини билан таъминланадилар. Улар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар техникум ва институтларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.


Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, характеристика, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, билим юрти директори номига ёзилган ариза, медицина кўриги билим юртида утказилади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 125, Куйбишев район, Красновосточная кўчаси, 3 «а»-уй (62, 73-автобусларнинг «Красновосточная» депоси», 17, 69, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Високовольтний» массиви» бекатлари). Телефон: 62-34-57.

ДОИМО МОДАДА ВА ҲАММА УЧУН ЗАРУР

Агар Сиз чиройли сумка, портмоне, чарм камарлар, соат учун ремешок, чамадон ва йўл сумкасини, эркаклар ва аёлларнинг қулқопини харид қилмоқчи бўлсангиз, Сизни «ЎЗБЕКИСТОН» ТОШКЕНТ ФИРМАСИ САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ



2-МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

БУ МАГАЗИНДА 18—22 ИЮЛЬ КУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ ФАБРИКАСИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Савдо-кўргазмасидан Сиз албатта ўзингизга керак бўлган буюмни топиб сотиб оласиз.

2-МАГАЗИН ОХУНБОБОЕВ МАЙДОНИДА ЖОЙЛАШГАН.

158-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: қурилиш сувоқчилари (ўқиш муддати — 1 йил), дурадгор-паркетчилар (1 йил), пардозловчи-мозаикачилар (2 йил), пардозловчи-плиткачилар (1 йил), қурилиш дурадгорлари (2 йил), қурилиш бўёқчилари (1—2 йил), сувоқчилар (1 йил), пайвандчи-монтажчилар (1 йил).

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртидаги ўқиш даври иш стажига ҳисобланади.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқишга қабул қилинганлар шаҳар прописка си, 3 маҳал бепул овқат, формали ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи оладилар.

Область ва районлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма билан юборилади лар ва конкурссиз ўқишга қабул қилинадилар.

Ўқиш — 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, характеристика, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 6 дона 3х4 см. катталикдаги фотосурат.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь район, «Халқлар дўстлиги» проспекти, Қибрай проезди, 54-уй (11-автобус, 2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «1-тўғруқхона», 4, 17, 19-трамвайларнинг «Қарши» бекати, метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 102-мактаб томонидан **Дўстматов Носиржон** номига берилган 285252 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область, Оржоникидзе районидаги 26-мактаб томонидан **Комил Эшонович Икромов** номига берилган 848438 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КИНО

17, 18 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Хизматдошлар ошиқлар қиссаси** (11, 13.30, 16, 18.30).

Жандарм уйланади— «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.45, 19.30, 21.15), «ВОСТОК» (10.20, 13, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Муҳаббат— бу ҳаётдир— «КЎКЧА» (11, 14, 17, 20.00), «ДРУЖБА» (11, 12, 13, 14, 17, 18, 20, 21.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00).

Сўнгги отишма — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МИР» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.30, 13, 14, 16.30, 17.30, 19, 21.00), ЛИСУНОВ номли (тоқ соатларда).

Россия империясининг тожи — «ИСКРА» (17, 19.30).

Ҳақиқий тбилисилик ва бошқалар— «ЯНГИОВОД» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

(20.30 ва 22.30 да бошланади)

Жандарм уйланади — «ФЕСТИВАЛЬ».

Менга қайнона бўлинг — «ХИВА».

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

17 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 «Олға, болакайлар!». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 18.50 «Учинчи йил— зарбдор йил». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари— ҳаётга!». 19.40 Оренбург Давлат рус халқ хорининг концерти. 20.10 «Ҳаёт бизни имтиҳон қилмоқда». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Владимир Маяковский. Ижод саҳифалари». 22.50 «И. Архипова концертлари». 1-кўрсатув. 23.40 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Мен бугун меҳмон кутаман». Болалар учун телевизион фильм. 18.15 «Ўйлаб топ» (рус.). 18.45 «Биз — энергетиклармиз». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Саҳро». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.50 «Санъат устадари». СССР халқ артисти Саодат Қобулова. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Санъат устадари». СССР халқ артисти Саодат Қобулова (давоми). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.15 «Плюшчихадаги уч терак». Бадиий фильм. 23.30 Волейбол бўйича СССР кубоги учун. «Меҳнат» спорт базасидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

18 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Цирк — болаларга». 10.35 «Оддий космос». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. 11.35 «Ҳайвонот оламида». 14.45 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Кинопрограмма. 15.50 «РСФСР халқ артисти Е. Райков куйлайди». Фильм-концерт. 16.10 «Ёшлар адреслари». 16.55 Болалар учун. «Саҳатада ез». Телевизион бадиий фильм. 18.00 «Уз резервларимиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.30 Янгиликлар. 18.45 С. Прокофьев, А. Хачатурян, Д. Кабалевский асарларидан концерт. 19.00 «Совет телевидениесида Буюк Британия ҳафталиги». «Ковентри— Волгоград. Биродарлашган шаҳарлар». 19.30 «Уильям Шекспир». Кўп сериали телевизион бадиий фильм премьераси (Англия). 1 ва 2-серилар. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР кубоги учун. Ярим финал. «Шахтёр» — «Локомотив». Донецкдан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Телевидение экранида биринчи марта». «Азиз кишиларим». Бадиий фильм (рус.). 12.05 «Фипс лақабли маймун». Болалар учун мультфильм. 12.15 «26 Боку комиссарлари». Бадиий фильм.

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 ЎЛКСМ 60 йиллигига. «Биз сенинг содиқ ўринбосарларингмиз, комсомол». 18.25 М. Равель. «Болеро». Фильм-балет. 18.40 «Жанговар постда». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кино ҳақида суҳбатлашамиз» (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Вухоро область Свердлов районидаги «Дилдор» ҳаваскорлик ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Мени яўқ дўстим кетган десалар, ишонма». Бадиий фильм. 23.30 Чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. Биринчи лига. «Политехник» (Тошкент)— «Хосилот» (Душанбе). «Политотдел» стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

4 БЕТ. ОҚШОМ

17 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 13051. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1357.